Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 28 май, чоршанба • № 42 (10.920) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида:

1. Республикадаги қатор жамоат ташкилотларининг Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Кенгашнинг устави белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани ва ушбу кенгаш ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ноҳукумат бирлашмаси эканлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидаги вазифалар кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари деб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— Хорижий мамлакатлар халқлари ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлаш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида дўстлик жамиятлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистон халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш;

— хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

— БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ҳамда хорижий мамлакатлар ташкилотлари йўли билан маданий-маърифий алоқалар масалалари бўйича муносабатларни ривожлантириш.

4. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари кенг қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини ва демократик ўзгаришлар руҳига мос келишини эътиборга олиб, вазирликлар, идоралар, худудий органлар кенгаш фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

5. Кенгаш, унинг ҳузуридаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари 2000 йилга қадар устав вазифаларини амалга ошириш бўйича барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилсин.

6. Кенгаш котибияти Ўзбекистон кўчаси, 49а уйга жойлаштирилсин, лозим бўлган ҳоналар унинг тасарруфига бепул ўтказиб берилсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кенгашни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсин, миллий ва хорижий валюталарда пул муомалаларини амалга ошириши учун тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 май.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ХАЛҚИМИЗ осойишталигини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш ҳаммамизнинг, биринчи галда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий бурчидир. Республика Президенти яқинда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган учрашувда ҳам айнан шу масалага алоҳида эътиборни қаратди. Эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, халқнинг ҳуқуқий билимини ошириш, демократик тамойилларни кишилар онгига сингдириб бориш, айниқса, муҳимдир. Бунинг асоси эса қабул қилинган ва қилинаётган қонунларнинг ижросини таъминлаш, меёрий ҳужжатларнинг амал қилиши билан бевосита боғлиқдир.

ҚОНУН ИЖРО ЭТИЛИШИ ШАРТ

24 май куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирув кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шу масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг биринчи муовинлари, вилоят, шаҳар, туман прокурорлари, ички ишлар бошқармаси раҳбарлари, адлия бошқармаси, суд идоралари бошлиқлари иштирок этдилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида вилоятда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. Иномжонов, гиёҳвандлик, ички ишлар бошқармаси бошлиғи Р. Бекбоев, вилоятда тўрт ой давомида жиноятчиликнинг аҳволи ҳамда ички ишлар идораларининг ҳудудий нозирлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича иш фаолиятларини текшириш якунлари ҳақида вилоят прокурорининг ўринбосари Ш. Муҳамедов маъруза қилдилар.

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Расулов, вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

1997 йилнинг биринчи чорагидаги ҳолат тўғрисида вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Р. Бекбоев, вилоятда тўрт ой давомида жиноятчиликнинг аҳволи ҳамда ички ишлар идораларининг ҳудудий нозирлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича иш фаолиятларини текшириш якунлари ҳақида вилоят прокурорининг ўринбосари Ш. Муҳамедов маъруза қилдилар.

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Расулов, вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

У жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолини иш билан таъминлаш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади. Аммо ҳали бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида жуда катта вазифалар турганлигини ҳам қайд этди. Хусусан, айрим туманларда ички ишлар бошқарув тизимларида фаол иштирок этсинлар... Ана шундагина ҳуқуқий маданият демократия мезонига айланади.

— Мана сиз газетачи одамсиз. Бу ишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида бўлиши лозим. Хафа бўлмангу, сизлар бу борадаги ўз вазифаларингизни қойил-мақом қилолмаяпсизлар. Тўртинчи ҳокимият бўлолмаяпсизлар. Ҳамон ҳадиксираш, чўчиш, тортиниш ҳоллари бор. Танқидий мақолалар йўқ. Ёзиш услубларингиз эскича. Бир оғиз гап билан айтганда, ҳуқуқий маданиятни вужудга келтиришда қалам аҳли ҳали кўп тер тўкиши керак. Ё, нотўғрими?..

— Тўғри.

...Баҳслашиб, тун ярмидан оққанини ҳам билмай қолибмиз. Қарасак, баҳс ҳали вери тугамайдиган. Дам олишга ётдик. Лекин, ҳадеганда уйқу келавермади. Оддий қишлоқ одами Ашир бобонинг фикр-мулоҳазалари вужудимга тинчлик бермасди. Зеро, у жуда одил гапларни айтган эди. Айни кунларда ҳам унинг сўзлари қулоғим остида жаранглямоқда. Алқисса, уларни қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишга ахд қилдим.

Раҳимберди УМАРОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ГУЗАРДА МУЧАЛ ТЎЙЛАРИ

ЖЎРА Мамадалиев ёнғиндан муҳофаза этиш жамиятида кўп йиллар ишлаб, пенсияга чиққач, хайрли ишга киришди. Ўртачирчиқ туманидаги «Деҳқонобод» маҳалласининг илгари қаровсиз бўлиб ётган жойидан ер олиб, гузар барпо этди. Бу хушчирой масканда эндиликда ҳар хил файзли тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда гузарда 26-ўрта мактаб бешинчи синф ўқувчиларининг мучал тўйлари нишонланди. Тантана иштирокчиларини мактаб директори Т. Обидов, ўқитувчилар М. Байсебаева, М. Абубакирова, туман халқ таълими бўлими ходими З. Абдуллаева ва бошқалар самимий табрикладилар.

Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚИБРАЙ туманида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш ойлиги давом этмоқда. Уни ўтказишдан мақсад ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ички ишлар бўлими ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг масъулиятини янада ошириш, бу тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этишдир. Бу тадбир туфайли ўғрилик, қасддан тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш, босқинчилик каби жиноятлар ўтган даврга нисбатан икки баравар камайди.

Ойлик давомида паспорт топшириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан учрашувлар, турли кечалар, маҳаллаларда ўтказилаётган оммавий тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ойликда Қибрай шаҳарчаси, Байтқўрғон, Май, Оққовоқ, Янгиобод қишлоқларининг фуқаролари, айниқса, фаоллик кўрсатмоқдалар. Мазкур ҳудудларда ўтган давр мобайнида бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бунда маҳалла фаолларидан Холиқ Ғойипов, Хабибулла Тошпўлатов, Маҳамат Маҳмудов, Эркин Асомов, Ҳайдар Ғофуровларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

Файзулла Ҳусанович Холов шахтёрлик касбига содиқ кончилардан бири. У 15 йилдан бери 9-шахтада ишлаб, топшириқни доим ошириб бажаради. Ўзининг ҳалол меҳнати билан Ангрендаги кўмир қазиб олиш ва сотиш акционерлик бирлашмаси жамоасининг ҳурматини қозонган.

Даврон АҲМАД суратга олган.

МУНОСАБАТ

АШИР БОБО — бизнинг қадрдон. Ота-бола тутинганмиз. Борди-келдимиз бор. Тошкентга тушсалар, кўрмай кетмайдилар. Ёшлари саксондан ошган. Ўқишни ҳам, ўқишни ҳам қотирадилар. Сўзомол, тили ботир, жўмард, доно инсон. Лекин, чўрткесар. Ҳақиқат ва ҳалоллик деса, жонини берадиганлардан. Бир маҳалларда «райком секретарини» ўсал қилгани учун кўп азият чеккан. Қисқаси, оддий бир қишлоқ кишиси... У куни қош қорайганда дафъатан бобо бизникига келиб қолдилар. Туз-насибадан сўнг ҳангомага киришдилар.

СИЗ ҲАҚСИЗ, АШИР БОБО!

— Кеча кечқурун телевизор кўрдингизми, бўтам? — деб ота бир маҳал менга тик қарадилар.

— ?

— Ҳалиги Ислом ака Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувини айтяпман. Майли-ю, суҳбат менга жуда маъқул тушди. Яқин орада бунақа очиқ ва дангал гурунг бўлганини эслолмайман. Дилдаги гаплар бўлди. Раҳмат-э, кўп жойларимиямга шундоқ қуюлиб қолди. Масалаларнинг зўрлигини қаранг...

— Тўғри айтасиз. Мана, сўнгги йилларда юртимизда асрларга татигулик ўзгаришлар қилиняпти. Ислоҳотларни айтмайсизми. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётимизнинг мазмунмоҳияти тубдан янгиланмоқда. Президентимиз бизни ана шу жараённинг ижрочиси эмас, иштирокчиси бўлишга даъват этдилар.

— Нафсиламбирини айтганда, бунинг учун ҳар бир фуқаро билимли, тушунган, иймон-эътиқодли, дунёқараши кенг, фикр-мушоҳадаси зукко, адолат йўлидан тоймайдиган, фаол-фидойи бўлмоғи даркор, бўтам. Демак, ижрочилик вазифаси енгил иш эмас. Лекин, бунга эришиш учун катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқ лозим. Кўпгина одамлар эскича мафкура асоратларидан ўта секинлик билан халос бўлмоқдалар. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимлари инсон ҳуқуқлари борасида жаҳон андозасига жуда сусткашлик билан мослашмоқдалар.

— Аслида бу масалалар бежиз кўтарилгани йўқ. Замон ўзгарди, давр ўзгарди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ биз бутун дунёга ҳуқуқий-демократик давлат тузяпмиз, деб эълон қилдик. Қаранг, ҳуқуқий-демократик давлат... Бунда «ҳуқуқ» деган сўз биринчи ўринга чиқяпти.

— Балли... Чунки, биз — бутун бир миллат сифатида узоқ вақт давомида батамом ҳуқуқсиз бўлиб келдик. Айниқса, шўролар истибдоди йилларида бедодлик авжига минди. Том маънода одамийлигимиз инобатга олинмади, иззат-нафсимиз таҳқирланди, ҳақ-ҳуқуқ деган тамойилларни дилимиздан ҳам, тилимиздан ҳам сиқиб чиқаришга уриндилар. Бизга ёт коммунистик манфаатлар биринчи ўринга қўйилди. Туб халқларни батамом маҳв этиш — қизил жаллодларнинг асосий нияти, пировард мақсади эди. Бундан ортиқ разолат, бундан ортиқ даҳшат бўладими?!

— Эркинликка чиққан, мустақилликка эришган одамларнинг тезликда қаддини ростлаши қийин кечаркан...

— Астароқ айтасизми. Шунинг учун ҳам юртбошимиз айтяптиларки, адолатли, ҳуқуқий, умуминсоний давлат бирдан қурилиб қолмайди. Пойдеворсиз уй тез қулайди, дедилар. Эндиликда одамларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини аста-секинлик билан сингдириш керак. Тушунтириш, ташвиқот-тарғибот ишларини янги мезонга солмоқ лозим. Шу боис ислоҳотларимизнинг ҳам, давлатчилигимиз қурилиши ҳам, ҳақ-ҳуқуқларимизни лозим даражага кўтариш тадбирлари ҳам босқичма-босқич, шошмасдан олиб борилаётганлиги айни муддаодир. Бу амаллар силсиласида ҳуқуқий маданият энг юқори поғонада туради. Инсон ҳуқуқлари, инсон манфаатлари устивор бўлган тақдирдагина демократик тамойиллар ҳақиқатга айланади... Барибир, бу жараённинг суст бораётганлигини тан олмоғимиз лозим. Етти ўлчаб, бир кесиб, уларни меъёрига етказишимиз шарт.

— Худди шундай. Яхши таъриф бердингиз. Қонунлар, фармонлар, қарорлар, муҳим ҳужжатлар қабул этиляпти. Бироқ уларнинг самараси бирдан кўзга ташланмаяпти.

— Ташланмайдиям. Президент нима дедилар... Ана шу қонунлар, фармонлар, қарорлардан халқ яхши бохабар эмас. Шу боис уларнинг фуқаролар ҳаётига таъсири кам. Қабул этиш бошқа, тўлиқ бажариш бошқа. Давлат, жамият аҳамиятига молик ҳужжатлар юқорида кўриб чиқилади, қуйида бажо келтирилади. Бизда эса нима бўлаяпти? Мулоқотда таъкидлаганидек, юқорида яхши маънода «зилзила», пастда эса сукунат. Жойлардаги ҳокимликлар, бошқарув идоралари, масъул раҳбарлар, мансабдор шахслар кўнгилдагидек ишламаяптилар. Лоқайдлик, манманлик, кибр-ҳавога берилиш, одамларни менсимаслик, шахсиятпарастлик иллатлари ҳамон ҳали кучли. Ўшаларга барҳам берилмас экан, инсон ҳуқуқлари, инсон манфаатлари устиворлигига эришиш мушкул бўлади. Сизни одам ўрнида кўрмаётган, бурнидан нафас олиб гаплашаётган раҳбардан нима ҳам кутиш мумкин... Кайфиятингиз бузилади. Орада норозилик туғилади. Норозилик эса ҳуқуқ бузилишининг ибтидосидир.

— Шунинг учун ҳам Президентимиз учта масалани асосий вазифа қилиб қўйдилар. Булар нималар? Биринчидан — тепада қандай қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул этилганлигини халқ яхши билиши керак. Иккинчидан — ҳужжатлар ишласа, самара беради. Халқнинг ўзи уларни амалга оширсин. Учинчидан — оддий фуқаролар бошқарув тизимларида фаол иштирок этсинлар... Ана шундагина ҳуқуқий маданият демократия мезонига айланади.

— Мана сиз газетачи одамсиз. Бу ишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида бўлиши лозим. Хафа бўлмангу, сизлар бу борадаги ўз вазифаларингизни қойил-мақом қилолмаяпсизлар. Тўртинчи ҳокимият бўлолмаяпсизлар. Ҳамон ҳадиксираш, чўчиш, тортиниш ҳоллари бор. Танқидий мақолалар йўқ. Ёзиш услубларингиз эскича. Бир оғиз гап билан айтганда, ҳуқуқий маданиятни вужудга келтиришда қалам аҳли ҳали кўп тер тўкиши керак. Ё, нотўғрими?..

— Тўғри.

...Баҳслашиб, тун ярмидан оққанини ҳам билмай қолибмиз. Қарасак, баҳс ҳали вери тугамайдиган. Дам олишга ётдик. Лекин, ҳадеганда уйқу келавермади. Оддий қишлоқ одами Ашир бобонинг фикр-мулоҳазалари вужудимга тинчлик бермасди. Зеро, у жуда одил гапларни айтган эди. Айни кунларда ҳам унинг сўзлари қулоғим остида жаранглямоқда. Алқисса, уларни қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишга ахд қилдим.

Раҳимберди УМАРОВ.

Бу сонда:

ҚАДРИ БУЮК ҲАР БИР ИНСОННИНГ — 2-БЕТ
Ҳуқуқий-демократик давлат сари

ПАРРАНДАЧИЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМ

ЕТТИНЧИ ХАЗИНА ТАҚДИРИ

3-БЕТ

ҒИРРОМ ЎЙИННИНГ ОХИРИ ВОЙ
Фелъетон

4-БЕТ

ЭКОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНДИ

ЧИРЧИҚ шаҳрида ўнлаб катта-кичик корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар ишлаб турипти. Улар айни вақтда атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар ҳам ҳисобланади. Кейинги йилларда кўрилган муҳим тадбирларга қарамай шаҳарда атроф-муҳитнинг мусаффолиги талаб даражасида эмас. Бу катта ташвиш туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам халқаро «Экосан» жамғармаси билан шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда «Экология ва ҳудудий патология» мавзусидаги илмий-амалий конференцияни шу ерда ўтказдилар.

Куни кеча бўлиб ўтган бу анжуманда Халқаро «Экосан» жамғармаси президенти Ю. Шодиметов «Экологиянинг муҳим муаммолари ва инсон саломатлиги» ҳақида маъруза қилди. Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев шаҳарда атроф-муҳит мусаффолигини муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида гапириб берди.

Конференцияда шаҳарда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан фойдаланиш, йирик саноат маркази аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Чара ПЕРЕПИЛИЦИНА.

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Мамлакатимизда 1997 йилнинг иккинчи ярми учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Ҳар ким хоҳлаган нашрига ёзилиши мумкин, албатта. Аммо шуни эслатиб ўтмоқчимизки:

— пойтахт Тошкент вилояти, мустақил Ўзбекистонимиз ҳамда дунё ҳаётига оид энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан танишай десангиз:

— иқтисодий ислоҳотларнинг боришидан хабардор бўлай десангиз:

— маънавият, маданият, спорт янгиликлари, табиат ва инсон муаммолари сизни қизиқтирса:

— саломатликни мустаҳкамлаш, пазандаликка доир маслаҳатлар, турфа олам янгиликларини ўқиш истаги бўлса:

— йил охиригача газетани мунтазам олай десангиз

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА

ОБУНА БЎЛИНГ

Обунани барча алоқа бўлимлари орқали расмийлаштириш мумкин.

Газетамизнинг нашр кўрсаткичи: 64672.

ТАЛАБА БЎЛИШДИ

ВИЛОЯТИМИЗ халқ таълими тизимида иқтидорли болаларни танлаб ўқитишга йилдан-йилга эътибор ортиб бормоқда. Айни пайтда ўқувчилар билими олимпиада кўриклари орқали ҳам имтиҳон қилинаётир. Шуниси диққатга сазоворки, республика олимпиадасида шундай кўрикдан муваффақиятли ўтиб, ғолибликни қўлга киритганлар олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинадилар.

Бу йил Ангрен шаҳрида тўрт нафар, Бўстонлиқ, Оққўрғон туманларидан бир нафардан ўқувчилар талабалик ҳуқуқига муяссар бўлдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

«БУЮК ТУРОН» БОЗОРИ

ТОШКЕНТ туманидаги «Тўлабий» жамоа хўжалиги далалари қўшни Қозоғистон ерлари билан туташ. Теварак-атрофдаги қишлоқларда кўплаб қозоқ миллатига мансуб хонадонлар ҳам яшайди ва меҳнат қилади. Ерлик аҳоли яқин атрофда бозор йўқлиги туфайли Абай, Янгийўл, Тошкент бозорларига қатнашга мажбур бўларди. Тумандаги «Кўксарой» фирмаси раҳбари, тадбиркор Забихилла Абдуллаев саъй-ҳаракати туфайли «Тўлабий» жамоа хўжалигининг Қушқўнди ҳудудида янги бозор қурилиб, ишга туширилди. Унга «Буюк Турон» номи берилди.

Акбар УМИРОВ.

ҚАДРИ БУЮК ҲАР БИР ИНСОННИНГ

Ҳурматли таҳририят!

Кўп йиллардан бери «Тошкент ҳақиқати»нинг мухлиси сифатида газетани мунтазам ўқиб бораман. Шу йил 14 май сонида босилган «Инсон азиз, инсон табаррук» сарлавҳали мақола қўлимга қалам олишга ундади. Унда бугунги ўзгаришлар даврида ҳукуматимиз эътибор бераётган муҳим масала — инсон ҳуқуқлари мавзуси тилга олинган. Дарҳақиқат, мақолада қайд этилганидек, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши демократик давлат барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеадир.

Бу қонунни мустақиллик туфайли инсон қадрини ҳамиша юқори тутиш борасида ташланган яна бир амалий қадам дея оламиз. Ҳуқуқшунос ўқитувчи ёки Тошкент Давлат юридик институти қошидаги «Инсон ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ марказининг раҳбари бўлганим учунгина эмас, ҳур республикамизнинг бир фуқароси сифатида бу ҳужжат қабул қилинганлиги кўнглимда ифтихор туйғусини уйғотди.

Шуни айтиш керакки, давр талабларидан, истиқлол шарофатидан келиб чиқиб, олий таълимнинг таркибий ва мазмуний йўналиши ҳам ўзгариб, инсон ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга жиддий эътибор берила бошланди. Бу соҳада ҳозир ҳеч бир тармоқ йўқки, унда инсон ҳуқуқлари фани ўқитилмаётган бўлсин. Кўпгина мамлакатлар институтлари, университетларининг дастуридан етакчи ўрин олган мазкур дарсларга эндиликда бизнинг республикамиз олийгоҳларида ҳам эътибор кучайтирила бошланди.

Бу борада марказимиз ҳуқуқий билимларни тарқатувчи манба сифатида ўзига хос ўрин эгаллади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари бошқармасининг Тошкентдаги вакили Т. Раҳмон ҳамда институтимиз ректори Х. Бобоев биргаликда марказ моддий базасини мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирларни амалга оширдилар. Натижада инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича анчагина адабиётлар, қўлланмалар, рисолалар тўпланиб, каттагина кутубхонага эга бўлдик. Марказ учун ажратилган хоналар замонавий компьютерлар, мебеллар, энг қулай нашр машинаси ва бошқа воситалар билан жиҳозланди.

Ҳуқуқий-демократик давлат сари

— Бу марказ Ўзбекистон ҳаётида катта воқеадир, — деган эди унинг очилишида иштирок этган Буюк Британиянинг республикамиздаги фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Хей, — зеро, инсон ҳуқуқи масаласи жаҳон жамоатчилиги катта эътибор бераётган ўта муҳим масаладир. Бутун халқингиз, хусусан, келажакда мамлакатни бошқарадиган ёш авлод инсон ҳуқуқи нима эканлигини чуқур тушуниши ва ҳурмат қилиши мустақил республика манфаатлари учун алоҳида аҳамият касб этади...

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, инсон ҳуқуқи бўйича Олий Мажлиснинг вакили Сайёра Рашидова марказ очилишига алоҳида урғу бериб, «Дунёда инсондан ҳам қадрлироқ зот йўқ, шу боис бу масканнинг истиқлолга юз тутган давлатимиз фуқароларининг эркин ва ҳур яшашларини таъминлашдаги хизмати катта бўлади», — дея таъкидлади.

Хўш, марказимиз ана шундай баҳоларга, билдирилган фикрларга жавобан қандай тадбирларни амалга оширмоқда? Мамлакатимизда инсон ҳуқуқининг ҳамма вақт эътиборда бўлишига ўзининг қайси жиҳатлари билан ҳисса қўшмоқда?

Шуни айтиш керакки, инсон ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ маркази шаклланганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, маълум ишларни амалга ошира билди. Биз унинг фаолиятини йўлга қўйишда ХХ асрнинг муҳим воқеаси ҳисобланган инсон ҳуқуқи Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларациясидаги талаблардан келиб чиқдик. Унда билим ва маърифат шахснинг баркамол равнақ топишига ва инсон ҳуқуқи ҳамда эркига ҳурматни кучайтириб боришга даъват этилган.

Инсон ҳуқуқи соҳасида тажрибага эга бўлган халқаро экспертлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда марказ мутахассислари ўқув жараёнига «Инсон ҳуқуқи», «Халқаро инсон ҳуқуқини ҳимоялаш», «Халқаро гуманитар ҳуқуқ» ўқув курсларини жорий этдилар. Шунингдек, яқин кунларда республиканинг барча ўқув юртлари учун ўқув-услубий қўлланмалар ва тавсияномалар тайёрлашга киришдилар. Хусусан, «Конституция ва инсон ҳуқуқи» деб номланган рукн остидаги нашрлар чиқарилади. «Сен ва сенинг ҳуқуқларинг» номли ўқув-услубий қўлланма тайёрлашга ҳам киришилди.

Марказ илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги пайтда республика фуқаролари ҳуқуқи ва эрки борасидаги конституциявий маромларнинг амалга оширилишини, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар ва элатлар ҳуқуқи ва эркининг ҳуқуқий заминлари, хотин-қизлар ҳуқуқи, республика қонунчилигининг бола ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция билан қиёсий муносабати йўналишларида изланишлар олиб бориляпти. Тадқиқот ишларига талабаларни жалб этиш мақсадида марказимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссари бошқармасининг Тошкентдаги вакили ҳамда Қизил Хоч Халқаро Қўмитаси вакиллиги билан ҳамкорликда «Талабаларнинг энг яхши илмий иши учун танлов» ўтказади. Совринли ўринларни олганлар мукофотлар билан тақдирланадилар. Бу йил «Конституция ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик», «Талабаларга ҳуқуқий билим беришда тажриба алмашув» мавзуида семинарлар, «Ўзбекистон Республикасида халқ таълимини инсонийлаштириш», «Инсоннинг конституциявий ҳуқуқини ҳимоялашда юридик амалиётнинг ўрни» каби мавзуларда эса конференциялар ўтказамиз. Бу анжуманларда республикамизнинг энг билимдон, таниқли олимлари, амалиётчилари билан бирга хорижлик мутахассислар, ҳуқуқшунослар ҳам қатнашадилар.

Шунингдек марказ олий таълим ва ўрта мактаблар ўқитувчилари ҳамда бўлажак юристлар учун инсон ҳуқуқи бўйича курслар ташкил этишни ҳам режалаштирган. Биз барча тадбирларимизни олий таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ республика дастури, Юртбошимизнинг шу йил 20 май куни давлатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувдаги фикр-мулоҳазалари асосида амалга оширишга интилмоқдамиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти.

Ғалла мустақиллиги учун

ЎРИМ ЯҚИН, КОМБАЙНЛАР ТАЙЁРМИ?

Бу йил вилоят экин майдонларининг 123 минг гектарида ғалла етиштирилмоқда. Хўжаликларда тажрибали мутахассислардан ташкил этилган комиссия экиннинг ҳолатини текшириб чиқиб, ҳосил пишган жойларда майнинг охири ва июннинг бошларидан ўрим-йиғимга киришиш мумкин, деган хулосага келмоқдалар.

Ҳа, ғалла ўрим-йиғими яқин. Аммо деҳқоннинг асосий қуроли-комбайнлар, ҳосилни хирмонга ва тайёрлаш ташкилотларига ташиб берадиган транспорт воситалари тайёрми? Техникани таъмирлаш қандай боряпти?

Мана шу муҳим ишларнинг боришини текшириш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган тажрибали мутахассислардан иборат махсус кўрик комиссияси жойларда мунтазам иш олиб боряпти. Ушбу комиссия туманларда бўлиб, ишга тайёр деб қисобланган техника воситаларини ғоят синчиклаб кўздан кечириб, қабул қилиб олмоқда.

— Бу йил вилоят бўйича ғалла ўрим-йиғимида 631 та шу жумладан, 38 та «Кейс» комбайнлари ишлатилади, — дейди вилоят сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармасининг механизация бўлими бошлиғи Т. Ғаппасов. — Эрта-индин яна 18 та «Кейс» комбайнлари олиняпти. Терим техникаси тайёрлигини текшириш комиссияси яқинда ўтказган кўрикда 514та комбайнларнинг ишга шайлиги аниқланди. Зангиота, Юқоричирчиқ, Бекобод, Паркент туманларида бу иш намунали йўлга қўйилган. Бекобод туманидаги «Далварзин», Бўка туманидаги «Бўстон», Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув», Қуйичирчиқ туманидаги «Тошовул», Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ва бошқа бир қатор жамоа хўжаликлари мутахассислари барча ўрим техникасини сифатли таъмирлаб, ишга шай қилиб қўйдилар. Механизаторлар эса ўзларига бириктирилган ғалла майдонларини кўздан кечириб чиқдилар. Вилоятдаги барча хўжаликларда бош мухандис ва механиклар иштирокида таъмирлаш бригадалари тузилиб, автомашина ва эҳтиёт қисмлар билан етарли миқдорда таъминландилар. Бу-лардан ташқари вилоят «Агромошсервис» уюшмаси ҳам ҳар бир туманда бир-иккитадан кўчма устахоналар ташкил этди. Улар ўрим-йиғим мавсумида комбайнлар ва транспорт воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлайдилар.

Афсуски, барча туманларда ҳам тайёргарлик ишлари ана шундай намунали олиб бориляпти, деб бўлмайди. Эҳтиёт қисмлар таъминотида жиддий нуқсонлар рўй бераётгани сабабли Бўстонлиқ туманидаги мавжуд 32 та комбайндан 18 таси, Оҳангарон тумани хўжаликларидаги 46 та ўрим техникасидан 25 таси ҳамон таъмир кутиб турипти. Қуйичирчиқ туманидаги Абай номли, Бўстонлиқ туманидаги Амир Темур номли ва «Энбек» жамоа хўжаликларида эса ҳалигача мавжуд комбайнларнинг ярмидан кўпроғига қўл урилмаган. Аҳвол шундай давом этаверадиган бўлса ушбу туман ва хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими чўзилиб кетиши мумкин.

Мавсум олдидан ғаллакорларни ўйлатиб қўяётган, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган яна бир жиддий муаммо бор. У ҳам бўлса техникани ишлатиш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ёнилғи ва мойлаш материаллари билан етарли миқдорда таъминлашдир. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина хўжалик омборларида ёнилғи цистерналарининг таги кўриниб, қаттиқ ўлчовли бўлиб қолган. Айрим хўжаликларда эса ёнилғи ва мойлаш материаллари заҳираси жуда ҳам оз. Ҳолбуки, мавсумнинг муваффақиятли ўтиши энг аввало ёнилғи заҳирасини тўлдириш, бирорта комбайн ва транспорт воситаларининг тўхтаб қолишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Халқимизнинг ризқ-насибаси — ғалла ўрим-йиғими яқинлашмоқда. Уни ҳар жиҳатдан тўла тайёргарлик билан қутиб олиш эса шу куннинг энг муҳим вазифасидир.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

XII Тошкент халқаро кинофестивали давом этмоқда

Кинофестивал иштирокчилари Тимурийлар даври музейини қизиқиб томоша қилдилар.

ОВРУПО ҲАМ КЎРАДИ

Хади ШЕНОЛ, журналист, ТРТ-А телеканали дастурлари раҳбари.

— Тошкент халқаро киноанжумани беш йиллик танаффусдан сўнг қайта тикланганлигини эшитиб биз дўстларимиз учун фахрланиш туйғусини ҳис қилдик. Кино анжуманларни ташкил этиш жуда мураккаб иш. Тошкент кинофестивали ҳамма вақт ўзига хос бўлган ва обрў-эътибор қозонган. Шу сабабли ҳам уни унутиб юбориш мумкин бўлмасди. Мустақил Ўзбекистон кино анжуманини тиклаб, миллионлаб томошабинлар ва кинематографчиларга бу ажойиб байрамни қайтарди. Бундай халқаро тадбирлар халқлар ўртасида маданий алоқалар ва дўстликни мустаҳкамлайди.

Ҳозирги шароитда фильм яратиш катта моддий ҳаражатларни талаб қилади. Фильмни сотиш ҳам яхши рекламага эҳтиёж сезади. Фестивалларда ўтказилаётган вақтда эса кинематографчиларга қўшма фильмлар яратиш тўғрисида келишиб олишдек жуда яхши имконият яратилади.

Туркия телевидениесининг иккита канали чет эллик томошабинлар учун мўлжалланган. Улардан бири бўлмиш бизнинг телеканал Марказий Осиё ва Кавказ Республикаларига трансляция қилинади, иккинчи канал эса Ғарбий Оврупога кўрсатувларни олиб беради. Тошкент киноанжумани иши тўғрисида ҳикоя қилувчи видеомазмунлар фақат Туркиядагина эмас, шунингдек, юқорида айтилган каналлар бўйича ҳам кўрсатилади.

Биз Ўзбекистондан тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш борасида етарлича тажриба тўплаганмиз: Самарқандда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган тантаналарни, пойтахтнинг миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналарини шу тариқа олиб кўрсатганмиз.

СОВРИНГА — «NEXIA»

«ЎзДЭУавто» директорлар кенгаши қарори билан XII ТХКФ соврини сифатида «Нексия» автомобили ажратилди.

«Дамас» микроавтобуслари эса анжуман делегатлари ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Фестивал дирекциясидан хабар қилишларича, «ЎзДЭУавто» бош директори Шуҳрат Юсупов компания жамоаси Тошкент халқаро кино анжуманининг ўтказилишидаги хайрли анъана давом этаётганидан мамнунлигини изҳор этган. Бу сафар у мустақил Ўзбекистонда янги кўринишда ўтказилмоқда. Фирма раҳбарининг фикрича, бундай фестивалларни ўтказишни қўллаб-қувватлаш ҳар кимнинг виждоний бурчи бўлиши керак.

«Нубира» — бу шоирона ўзбекча исмларга ҳамоҳанг ном билан аталувчи янги машина Жанубий Корея «ДЭУ» корпорациясининг янги моделига берилган номдир. У учинчи минг йиллик сари олим ташловчи янги машинадир. Айтишларича, бу номни унга корпорация бошлиғи Ўзбекистондаги учрашувлардан олган таассуротлари асосида берган экан...

МУЛОҚОТЛАР НАФАСИ

Ванна ПАОЛИ, кинорежиссёр (Италия)

ТОШКЕНТ халқаро кинофестивалида иштирок этаётганимдан ғоят хурсандман. Муборак ўзбек заминида бизни зўр ҳурмат-эҳтиром билан қарши олдилар. Бу юртнинг ҳавоси ва табиати бениҳоя фусункор бўлгани каби, одамлари ҳам шу қадар меҳмондўст ва меҳрибон экан. Мен ушбу анжуманга «Қизғиш уй» фильмини олиб келдим. У ахборот тарзида намойиш этилади. Фильм воқеалари Чехияда кечади. Унинг қисқача мазмуни мана бундай: шаҳарлик бир хотин қишлоқда яшовчи онасини кўргани келади. Ана шу икки характер тимсолида бугунги тараққиёт билан боғлиқ муаммолар кўрсатилади.

«Қизғиш уй» фильми бундан икки йил муқаддам Венеция фестивалида намойиш этилган. У бир талай Оврупо мамлакатлари кино экранларида ҳам кўрсатилди ва томошабинларда яхшигина таассурот қолдирди. Тошкентлик киноихлосмандлари ҳам ушбу фильмни қизиқиш билан томоша қиладилар, деган умиддаман.

Насиб этса, юртингизга келажакда яна ташриф буюриш ниятидаман. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик тилайман, берган нонтузи учун бир умр миннатдорман.

Минеко ОКАМОТО, кинорежиссёр, киносценарийчи (Япония)

— МЕНИ XII Тошкент халқаро кинофестивали танлов ҳайъати аъзолигига таклиф этганларида жуда ҳаяжонга тушдим ва бу таклифни бажонидил қабул қилдим. Юртингизга илк бор ташриф буюришим боис бу замин менда зўр қизиқиш уйғотди. Тайёрагоҳга қадам қўйишим биланоқ дўстлар уйида эканимни ҳис қилдим.

Менинг касбим — сценарийчилик. Япония Ёзувчилар уюшмасининг аъзосиман. Анжуманга олиб келган «Шамол тинганда» фильмига режиссёрлик қилганман. У фестивалнинг танлов дастурига киритилган. Ушбу фильм Японияда бўлган фестивалда ва Францияда ўтган аёл режиссёрлар фильмлари кўригида ҳам намойиш қилинган ва томошабинларда илиқ таассурот қолдирган.

Рустам САЪДУЛЛАЕВ, актёр

— XII ТОШКЕНТ халқаро кинофестивали республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган аввалги кўрик-танловларнинг энг яхши жиҳатларини давом эттиради, шу билан бирга, бугунги маърифатли дунёда, бизнинг ёш мустақил мамлакатимизда қарор топиб бораётган янгича дунёқарашларни ҳамда қадриятларни янада бойитади деб умид қиламан.



Анжуман меҳмонларининг бир гуруҳи.

Т.КАРИМОВ олган суратлар.

МУЪЖИЗАЛАР КУТАДИ УНИ

ЎЗБЕК киносининг ёрқин юлдузи Беҳзод Муҳаммадкаримов бош ролни ижро этган «Буюк Амир Темур» фильми XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг кўрик намойишида қатнашди. Актёр буюк аждодимиз Соҳибқиронинг сиймосини экранда гавдалантириб берди. Бу ролни айнан Беҳзод Муҳаммадкаримовга топширилиши, ўзига хос ижодий йўналишга, ижро услубига эга бу актёрнинг зиммасига катта масъулият юклади. Фильмда Амир Темурнинг саркарда сифатида шакллана бошлаган даври ифода этилади. Соҳибқирон хатоларидан буюклик томон интилишни ишонарли тарзда очиб беришга ҳаракат қилган актёрнинг ижро маҳорати эътиборга лойиқ.

Беҳзод ҳеч қачон актёр бўлишни орзу қилмаган эди. Болалигида тасвирий санъатга ва мусиқага ихлос қўйган ўсмир Тошкентдаги Ҳамза номли билим юртида таҳсил олди. Ўша йили «Ўзбекфильм» киностудияси актёрлик гуруҳини очиш ҳақида эълон берди. Беҳзод таваккалига танловда қатнашиб, синовдан ўтди. Актёрлар гуруҳи аъзолари театр олийгоҳига имтиёзли равишда қабул қилиндилар. Олийгоҳни битиргач актёрларнинг орзуси бўлмиш катта санъат даргоҳи — Ҳамза номли театрда ишлай бошлади. Эндигина ижодий услуби чархланаётган, актёрлик маҳорати мукаммаллашиб бораётган ёш актёрга бир қатор спектакларда ишониб катта-кичик роллар топширилди.

Театр сахнасидаги замонавий ва тарихий мавзудаги образларни тўлақонли ифода этаётган бу актёрни кинорежиссёр Ҳотам Файзиев «Оқ бино оқшомлари» фильмига таклиф этди. Аваз бек роли Беҳзод Муҳаммадкаримовнинг кинодаги илк қадами бўлди. Актёр қаҳрамонининг қалб кечинмаларини, иккиланишларини самимият ва эҳтирос билан талқин этади. Аваз бек муҳаббат гирдобида ўртанади. Беҳзод қаҳрамонининг мураккаб руҳий ҳолатларини кескин чизгиларда очиб беришга, Аваз бекни қалтис қадам қўйишга ундаган сабаблар моҳиятини юзага чиқаришга ҳаракат қилади.

Театр ва кинода фақат ўзигагина хос ижро услубига эга актёрга театр сахнасида асосан ижобий талқиндаги ролларни ишониб топширишса, кинодаги қаҳрамонлари ҳолатидаги иккиланиш ва чекинишлар, уларни баъзида машъум жар ёқасига олиб келади. Аваз бек севгилисига етишиш орзусида муҳаббатини таҳқирлашгача бориб етади. Унинг «Қирғизфильм» студиясида яратилган «Нокдаун» филмидаги боксчи Даир образи янада мураккаброқ. Чуқур психологизм янада кескин юзага чиқади. Ҳаётий тўсиқлар, омадсизликлар иродасиз Даирни тушкунликка, қабоҳатга олиб келади. Охир оқибатда у севимли ишидан, ёридан, ўғлидан ажралади, ичкиликдан таскин топади.

Санъатда ўз ўрнини, мавқеини тинимсиз изланиб, муттасил ўз устида ишлаб, ўша илк ролига ҳос самимиятни, эҳтиросни, ишончни асраб қолган актёр шу кунгача кинода яна бир қатор салмоқли образлар яратди. Режиссёр Баҳром Ёқубовнинг «Ёш ёзувчининг қундалиги», Зулфиқор Мусоқовнинг «Солдат эртаги», Фиёс Шермуҳамедовнинг «Сўғдиёна» фильмларида иштирок этди.

Актёр Беҳзод Муҳаммадкаримовнинг ижодий камолоти яхши драматургик манба воситасида шаклланганлиги туфайли, актёр муҳим ва чуқур мавзуларни, фалсафий йўналишдаги образларга сайқал беришда, мукаммал ва жозибали қаҳрамонлари сиймосини яратишда муваффақиятга эриша олди.

XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали очилишида ўзбек киносининг вакили сифатида истеъдодли актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов фестиваль байроғини кўтарди. Шу кунларда яна бир масъулиятли таклиф тушди. У таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида режиссёр Мелис Афзалов суратга олаётган янги фильмда Отабек образини талқин этади. Кўплаб актёрларнинг орзуси бўлган бу роль айнан Беҳзод Муҳаммадкаримовга насиб этди. Олдинда яна заҳматли ва тотли ижодий онлар, тинимсиз изланишлар ва санъат мўъжизалари кутади уни...

Феруза НОДИРОВА.

«КУМУШ ТОЛА» ХИРМОНЛАРИ

Пилламиз — тилламиз



Вилоят туманларидаги барча хўжаликлар йилнинг илк ҳосили — пилла топширишни бошлаб юбордилар. Бу иш дастлабки кунданоқ жадал тус олди. Туманларнинг бош пиллахоналарига келтирилаётган ҳосил салмоғи мўл ҳосил етиштирилаётганлигидан далолат берянти. Вилоят пиллачилик кенгашининг бош ҳосилоти Абдураҳим Азизов таҳририятга телефон қилиб, бу ҳақда шундай хабар берди:

— Вилоят бўйича шу кунгача бош пиллахоналарга 232 тонна юқори сифатли ҳосил келиб тушди. Янгийўл, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Оққўрғон туманлари хўжаликлари кунлик пилла ҳосили териш ва топширишда олдинда боряптилар. Янгийўл тумани эса маррага тобора яқинлашиб келяпти.

Мавсумда ипак қурти боқишни намунали олиб бориб, мўл ҳосил етиштиришга эришган ва ҳосил теримини жадал усул билан олиб борган хўжаликлар пилла топшириш режасини бажарганликлари тўғрисида биринкетин хушхабар йўлламоқдалар. Жумладан, Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги режада белгиланган 4,5 тонна ўрнига 5,5 тонна, «Қайтмас» жамоа хўжалиги 2,5 тонна ўрнига 2,7 тонна, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясининг Жумабозор агрофирмаси 106 қути қурт уруғидан 4 тонна ўрнига 5,3 тонна пилла етказиб бердилар. Бу хўжаликларда пилла териш ва топшириш давом этяпти.

Бу йилги мавсум ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилиб, мўл ҳосил етиштирган ва топширган илғор пиллакорларни ҳам маълум қилмоқда. Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигидан Собир Назаров 1,5 қути қурт уруғи асраб, 120 килограмм, Илғор Шарипов бир қути уруғдан 85 килограмм, шу жумладан «Йўлтушган» жамоа хўжалигидан Умид Умаров 1,5 қути қурт уруғидан 120 килограмм, «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Вазира Каримова 1,5 қути қурт уруғидан 152 килограмм, Оққўрғон туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигидан Жамила Холтўраева бир қути уруғдан 87 килограмм, «Озод» жамоа хўжалигидан Шаҳодат Алимова икки қути қурт уруғи боқиб, 170 килограмм, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясидан Тўхтаой Сафарбоева ҳар қути уруғдан 100 килограмм, Зайнош Холова 77 килограмм юқори сифатли ҳосил топширдилар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

КУНДАН-КУНГА КЎПАЙМОҚДА

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Акмал Икромов деҳқончилик уюшмасининг Саидазим Ерматов оиласи қабул пунктига биринчи бўлиб пилла ҳосилини топширди. Туманда жами 2370 қути уруғдан 112 тонна хирмон кўтариш учун ҳаракат бормоқда. 4 та қабул қилиш пунктига келтирилаётган пиллалар кун сайин кўпроқ тош босмоқда. «Гулистон» халқ корпорациясида пиллакорлар учун яратиб берилган шароит ва рағбатлантириш бошқа хўжаликлар учун намуна бўларлидир. Бу хўжаликда ҳамма пиллакор. Раис Тўйчи Эргашев, бош муҳандис Эркин Қорабековлар хонадонида ҳам пилла тутилган. Туман ҳокимлиги режани биринчилардан бўлиб уддалаган жамоа хўжаликлари учун қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари ажратди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

ЖАННАТ КАЛИТИНИ ҚИДИРИБ...

«Наврўз» хайрия жамғармаси ташкил этилганлигига беш йил тўлди

1992 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Наврўз» хайрия жамғармаси ташкил этилган эди. Жамғарма фаолияти асли истиқлолнинг олтинчи йилига қадам қўйган Ўзбекистон ҳаётида бир ирмоққина, холос. Инсонпарвар давлатимиз амалга ошираётган эзгу ишлар, саховатли халқимизнинг одамларга яхшилик улашиш, уларга меҳр-шафқатли бўлишдек фазилатларини тўлароқ намоён этишга олиб келмоқда.

Жамғарма муассислик қилаётган ва у билан бир кунда дунёга келган «Меҳригиёҳ» газетаси ҳам ўз йўналишини ана шу мақсадга қаратиб келмоқда. Зотан, унинг шиори ҳам Ҳадиси шарифнинг «Жаннатнинг калити — мискин, фақирларни севишдадир» каломидан иборат. Газета куни кеча чиққан ўзининг байрам сонини Инсон манфаатлари йилига бағишлади. Унда таниқли ижодкорлар Саид Аҳмад, Жуманиёз Жабборов, Эркин Аъзам ҳамда халқ артисти Саодат Қобулова ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари эълон қилинди.

ЕТТИНЧИ ҲАЗИНА ТАҚДИРИ

У бугун нималарга боғлиқ бўлиб қолди?

ПАРРАНДАЧИЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМ

ОТА-БОБОЛАРИМИЗ паррандачиликни етти хазинанинг бири сифатида эъзозлаб, катта эътибор бериб келганлар. Дарҳақиқат, нафсиламбирини айтадиган бўлсак, «тезпишарликда» паррандачиликка тенг келадиган соҳа йўқ. Дейлик, бузоқнинг сигир бўлиб маҳсулот бериши учун кам деганда уч йил керак бўлади. Эркак қўзидан баракали гўшт олиш учун эса уни камида бир-бир ярим йил бўрдоқига боқиш зарур. Урғочиси бир ярим ёшга етгандагина қўзилайди. Парранда эса яхшилаб боқсангиз 50-60 кунда гўшт учун етилади, олти ойда тухумга киради. Афсуски, ҳаммага маълум ҳақиқатни менсимай қўйдик. Турган-битгани кони фойда бўлган бу тармоққа кейинги йилларда эътибор ниҳоятда сусайиб кетди. Бозор иқтисоди баҳона тармоқда аянчли аҳвол рўй берди. Ҳазина бойиш ўрнига совурила бошланди.

Лекин, Қибрай туманидаги Шароф Рашидов номли паррандачиликка ихтисослашган ҳиссадорлик жамиятида бунинг аксини кўрамиз. Бу ерда шароит қанчалик оғир бўлишига қарамасдан, маъмуриятнинг саъй-ҳаракати, фидойилиги ва жонбозлиги туфайли тармоқнинг сақланиб қолишига эришилди. Эришилдигина эмас, паррандабоқарлар аҳолига имкон қадар маҳсулот етказиб бермоқдалар.

Биз туманда бўлиб ҳоким, тажрибали чорвадор Мирза Кўччиев билан учрашиб, бунинг «сир»ини сўрадик.

— Мен сизга айтсам, бунда, энг аввало, шахснинг хизмати беқиёсдир, — деди ҳоким. — Биз «ўзгартириб бўлмайдиган раҳбар йўқ» деган гапларни кўп ишлатамиз. Эҳтимол, бошқа соҳаларда мумкиндиру, лекин, паррандачилик ҳақида гап кетганда мен бу фикрга тўла қўшилмайман.

Гап шундаки, паррандачилик ниҳоятда мураккаб, нозик соҳадирки, бугун қилинадиган ишни эртага кечиктирсангиз, бунинг оқибатида кўриладиган зиённинг ўрнини ойлаб, ҳатто, йиллар давомида қоплай олмайсиз. Лекин, паррандачиликнинг ўз «пир»лари, фидойилари борки, улар бундай бўлишига асло йўл қўймайдилар. Ўз оромлари, манфаатларидан кечиб бўлса ҳам ҳар бир ишни ўз вақтида, меёрига етказиб бажармасалар, кўнгиллари ўрнига тушмайди. Бундай раҳбарларни бирор сабаб билан бўшатиб, бошқасини қўйсангиз борми, дарров уларнинг ўрни билинади қолади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам бундай раҳбарларни авайлаш, қадрига етиш, уларга ёрдам бериш керак. Корхонада узоқ йиллардан буён ишлаб, раҳбарлик қилиб келаётган Тўйчи ака Ортиқов ана шундай раҳбарлардан ҳисобланади.

Ҳеч кимга сир эмас, илгарилари паррандачиликнинг истиқболи, ривожи, маҳсулотнинг баракаси асосан Ўрусиядан келтириладиган ем ва дори-дармонларга боғлиқ бўлиб қолган эди. Алоқа узилгач эса жуда кўп паррандачилик фабрикалари бозор иқтисоди бухронларига бардош бера олмадилар. Лекин, Тўйчи ака Ортиқов фабрикани ана шу бухронлардан эсон-омон олиб чиқаётир. Айни кунларда бу корхона эришаётган кўрсаткичлари жиҳатидан вилоятда биринчи, республикада иккинчи ўринда туради. Фабрикада шу кунларда 400 мингга яқин парранда боқилмоқда.

Маҳсулот сифати деҳқончиликда уруққа боғлиқ бўлганидек, паррандачиликда зотга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ерда зот масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Белоруссиядан олиб келинган оқ товуқлар боқилмоқда. Хўжаликда кичик наслчилик корхонаси қурилган. Бу корхона паррандаларнинг қонини янгилаб беришга хизмат қилади. Белоруссиядан олиб келинадиган зотдор товуқлардан олинадиган тухумлар очирилиб, сўнг насл олинади. Бу тадбир четдан наслли тухум олиб келиб, очиришга кетадиган сарф-харажатларни анча тежаб қолиш имкониятини бермоқда. Ҳозирги кунда фабрикада боқилаётган, тухум қиладиган 200 мингдан ортиқ товуқлардан кунига 113-115 минг тухум олинаётганлигининг боиси ҳам шундадир. Харажатлар тўла қопланибгина қолмай, фойда ҳам олинаётир. Ўтган йили 10,5 миллион сўм соф даромад олинди. Энг муҳими ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошларини тўлашда узилиш бўлмаяпти. Корхона 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ҳиссадорлар маошдан ташқари сотиб олган акциялари ҳисобидан дивиденд ҳам олиб турибдилар. Бундан ташқари, ўтган йили фабрика ишчи-хизматчиларига 2 миллион 429 минг сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Буларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, паррандабоқарларнинг ойлик маоши 3,5-4 минг сўмга тўғри келаётир. Агар бир оиладан икки-уч киши меҳнат қилаётганлигини ҳисобга олсак, паррандабоқарлар кўраётган наф оилани бемалол тебратиб туриш имконини бераётир.

Дарвоқе, корхона ҳиссадорлик жамиятига айлангач, Тўйчи акага бу ерда меҳнат қилаётганларнинг бир қисмига жавоб беришни таклиф этишди. Лекин, етти ўлчаб бир кесадиган раҳбар бунинг учун шошилмади. Мулоҳаза қилди. Ахир бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти шу қишлоқда туғилиб, ўсган, вояга етган, эсини танигандан буён ўз ҳаётини шу фабрика билан боғлаб, баҳоли-қудрат меҳнат қилиб, умум ишига ҳисса қўшиб, тирикчилигини ўтказиб келмоқда. Агар уларнинг бир қисми ишдан бўшатилса, қаерга боради? Шаҳаргами? Бунинг ўзи бўлмайди-ку! Биз одамларни қийнаб қўймаймизми, шундоқ ҳам яшаш оғир бўлиб қолган шароитда уларга жабр қилмаймизми? Йўлини топиш керак! Хўш, дейлик, нега уч ой бир гуруҳ одамлар, сўнгра бошқа бир гуруҳ одамлар ишга чиқмаслиги мумкин? Бу таклиф уларга ҳам маъқул тушди. Қайтага айримлар хурсанд бўлди. Қишлоқжой эмасми, ҳар кимнинг томорқаси, ўзининг чорвачилик хўжалиги бор. Бўш бўлган пайтда ўз хўжалигидаги ишларга қарайди. Шундай қилиб, раҳбар бу муаммони ҳам ҳеч кимнинг кўнгли қолмайдиган қилиб ҳал этди.

Булар таҳсинга сазовор ишлар, албатта.

Корхонада бевосита ишламайдиган, лекин, бир вақтлари унинг таркиб топиши, йўлга тушиб олиши, ҳаттоки, довруғ таратишида меҳнати сингган нафақахўрлар, уруш қатнашчилари бор. Улар тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик қилинмоқда. Ойлиги камроқ оилаларга алоҳида эътибор берилаётир.

Ободончилик ишлари ҳам назардан қолмаётир. Кейинги 10-15 йил ичида жуда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилди.

Қишлоқдан бориб, урушда қатнашиб, ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатишни биринчи бўлиб туманда шу жамоа бошлаб берганини ҳам одамлар миннатдорчилик билан тилга олишади. Сўнг бошқа хўжаликларда ҳам ёдгорлик ўрнатиш удумга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Турар-жой бинолари қуришга ҳам катта эътибор берилди. Кейинги 10-15 йил ичида замонавий услубда қурилган 300 та турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урилди. Катта мактаб биноси қурилиши бошланди. Хўжалик ҳудудидаги 2 та қишлоқда мактабларнинг биринчи синфидан бошлаб тўртинчи синфигача бўлган филиалларини ҳам шу хўжалик ўз ҳисобидан қуриб берди. Ота-оналар ғоят миннатдор бўлдилар. Янги мактаб қурилиши ниҳоясига етгач, ўша мактаб филиалларининг ўқувчилари буёққа келиб, ўқишни давом эттирадилар.

Қишлоқда уй-жой, сув, боғча, электр таъминоти масалалари ҳал этилган. Қишлоқда инфраструктура тизимларини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Гузарларда сартарошхона, суратхона, этикдўзлик ва бошқа касб-корлар билан шуғулланадиган кичик корхоналар ишлаб турипти.

— Лекин, қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар, албатта, бизни қаноатлантирмайди, — дейди Тўйчи ака Ортиқов, — тармоқни рисоладагидек ривожлантиришга ҳалақит бераётган, оёғига кишан солаётган муаммолар бор. Уларнинг айримларини ўзимиз елиб-югуриб ҳал қилаяпмиз. Лекин, муаммоларнинг муаммоси ҳам бор. Бу паррандалар учун керак бўладиган махсус озуқалар тайёрлашга эътибор берилмаётганлиги, сифатсиз озуқа олаётганлигимиздир. Сир эмас, парранда учун озуқа махсус тайёрланиши керак. Лекин, биз олаётган озуқани аралаш озуқа деб айтиб бўлмайди. У кепакдан иборат хом ашёдир. Аслида парранда озуқаси таркибида 29 та модда — ҳар хил маъданли унсурлар бўлиши зарур. Улардан бирортаси кам бўлса, бу парранданинг ўсиши, соғлиғи, маҳсулдорлигига таъсир қилмасдан қолмайди. Афсуски, биз олаётган озуқада кўпи билан керакли уч-тўрт модда бор, холос. Бизга эса ҳар куни камида 60-70 тонна озуқа керак. Албатта, биз олаётган озуқани шундай ҳолича бера олмаймиз. Бунга ҳаққимиз йўқ. Виждонимиз йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам биз озуқани олгач, ўзимиз уни не-не машаққатлар билан қайта ишлаймиз. Қўлимиздан келганча турли моддалар, витаминлар билан бойитишга ҳаракат қиламиз. Мен сизга айтсам, ўзим уёққа бориб-бу ёққа бориб, отанг яхши, онанг яхши деб, мутасаддиларга учрашиб, ҳатто, шаҳардаги қассобхоналардан қон тайёрлаймиз. Олинган емга уни аралаштирамиз, ишлов берамиз. Ўзимизда махсус цех бор. У цехда турли чиқинди, суяк, тухум пўчоқлари дейсизми ва бошқа моддаларни қўшиб, қайта ишлаймиз. Ана шундан сўнггина товуқларга бериладиган озуқанинг таркибидаги керакли моддалар сони зўр-базўр 16-17 тага етади. Албатта, харажат кўпаяди. Берадиган «ем»ларнинг таннархи 15-16 сўм бўлса, биз ишлов бергач, 20-25 сўмгача бориб тушади. Бу маҳсулот таннархига таъсир қилмасдан қолмайди.

Демакки, бизда ҳали ҳам парранда тўлақонли озуқа билан таъмин этилмаяпти. Бу ўз навбатида қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради. Жўжалар кам қувват, нимжон бўлиб тухумдан чиқади, бундайлари эмлашни кўтаролмай нобуд бўлади. Нобуд бўлмай қолганлари товуқ бўлгач, ҳафтасига беш-олтита тухум қилиш ўрнига уч-тўртта тухум қилади.

Бундай вазиятда паррандани соғлом, касалликка чалинтирмай ушлаб туриш учун зарур дори-дармонларга бўлган эҳтиёж ортади, албатта. Лекин, бу масала ҳам муаммо. Ахир жўжа тухумдан чиққач, у эмланиши керак. То тухумга киргунча, унга турли хил дори-дармонларни бериб бориш талаб этилади. Лекин, улар етарли эмас. Бизда ишлаб чиқарилмайди, ҳаммасини четдан 6-7 баравар қимматга сотиб олишга мажбур бўламиз. Ёлғон бўлмасин, парранда учун керак бўладиган «икир-чикир» дориларни ҳам қўшиб ҳисобласак, юз хилга яқин дори керак бўладиган бўлса, шундан фақатгина биттаси, у ҳам бўлса, дезинфекция қилишда ишлатиладиган заҳар дори ўзимизда ишлаб чиқарилади!.

Мен ўз кучимиз, мутахассисларимизнинг меҳнати, ҳаракати билан озуқалар бир қадар бойитилишини айтдим. Лекин, шундай моддалар борки, ҳеч қандай қўшимчалар ўрнини босолмайди. Улар оқсил моддалар, балиқ ёғи, беда унидир.

Тўйчи ака шу куни биз билан бўлган суҳбатда яна кўпгина фойдали мулоҳаза ва таклифларни айтдилар.

— Ҳозир корхонамиз ишлаб чиқариш қувватидан 40 фоиз атрофида фойдаланмоқдамиз, холос. Агар муаммолар тўла ҳал этилса, бу фоизни юз фоизга етказиш мумкин бўлади. Биз кўплашиб туриб, шунга ҳаракат қиляпмиз. Бунга эришмоқ йўлларини излаяпмиз.

ТАҲРИРИЯТДАН:

СУҲБАТДОШИМИЗНИНГ паррандачилик тармоғида рўй берган мушкул аҳвол ҳақида куюниб, айни пайтда қимтиниб, кўп нарсаларни ўзига олиб айтган дарду-хасратлари вилоятимиздаги паррандабоқарларнинггина эмас, дадил айтишимиз мумкинки, бутун жумҳуриятдаги паррандабоқарларнинг ич-этини тирнаб, қийнаб келаётган юрак дардларидир. Фактлар, ҳужжатлар шундан далолат бериб турипти. Агарда вилоятда 1990 йилда 455,03 миллион дона, шу жумладан 8,34 миллион дона бройлер тухум, 1993 йилда 284,82 миллион дона, бройлер хўжаликларида 6,72 миллион дона тухум етиштирилган бўлса, 1996 йилда эса бор-йўғи 87,36 миллион, бройлер хўжаликларида эса 1,32 миллион дона тухум, гўшт эса 1990 йилда мавжуд паррандачилик хўжаликларида 9040,4 тонна, бройлер хўжаликларида 4232,5 тонна етиштирилди. 1996 йилга келиб атиги 1445,6 тонна (бройлер хўжаликларида умуман гўшт етиштирилмади) гўшт етиштирилди холос.

Шундай қилиб, вилоятда тухум етиштириш беш йил давомида 5,2 баравар, парҳез гўшт етиштириш эса 6,2 баравар камайиб кетди. Мавжуд паррандачилик фабрикаларининг аксарияти чок-чокидан сўқилиб, инқирозга юз тутди. Қаранг, бир вақтлари йилига 45—50 миллион дона тухум берадиган Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси цехлари бугунги кунда бўм-бўш бўлиб қолди. Янги раҳбарият ишни янгидан бошламоқда. Қибрайдаги Тошкент паррандачилик фабрикасининг ҳам ўзини ўнглаб олиши учун ҳали кўп вақт керак бўлади. Бройлер фабрикалари ўз ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатмай қўйдилар. Бу — тушунарли. Тез ва соз гўшт етиштириш учун ниҳоятда сифатли ва мўл-кўл ем керак. Бундай ем қаёқда дейсиз! Хуллас, вилоятимизда ўзини ҳар ҳолда эплаб турган Шароф Рашидов номли паррандачилик ҳиссадорлик жамияти «Ўртасарой» фабрикаларидан ташқари ишлаб турган Зангиота, Янгийўл туманларидаги паррандачилик фабрикаларидан ташқари вилоятдаги бошқа туманларнинг бирортасида паррандачилик тармоғи умуман йўқ. Хўжаликларда-ку, парранда боқилмай қўйилганига жуда кўп вақт бўлди.

Мана, парранда маҳсулоти етиштириш камайиб, нархи қимматлашиб кетганлигининг боиси қаерда! Агар Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолисини салкам 5 миллион деб ҳисобласак, айни кунда вилоятда етиштирилаётган тухум аҳоли жон бошига тақсимлаганда йилига бор-йўғи 18 донаданга тўғри келаяпти. Буни меёрий ҳолат деб бўладими?! Йўқ, албатта!

Лекин, тухум, парҳез гўшти тирикчилик учун ниҳоятда зарур маҳсулот-ку. Олимларимизнинг ўтказган тадқиқотлари шуни тасдиқлайди. Мол гўшти белга, қўй гўшти оёққа қувват бўларкан, парранда гўшти мияни, ақлни чархларкан. Шундай экан, тановул қиладиган кундалик озиқ-овқатимиз таркибида озми-кўпми парранда маҳсулоти бўлганига нима етсин! Қолаверса, Президентимизнинг ташаббуси билан соғлом авлод учун кураш бошланган-ку! Ҳар куни мактаб ёки боғчага кетаётган фарзандларимиз оқсил моддасига бой бўлган тухумдан еб кетсалар қани эди! Лекин, бу маҳсулотни олишга, истеъмол қилишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Паррандачилик фабрикаларида етиштирилаётган тухумнинг харид нархи 16 сўм, 17 сўм бўлса бозордан олиш керак. Тўлиб ётипти, ҳам арзон, дейсизми. Шундай қилдик ҳам дейлик. Лекин, бозорда сотилаётган тухумлар орасида чет элдан, ҳатто, Туркия ва Эрондан келтирилаётганлари ҳам бор-ку! Тухум ниҳоятда тез бузиладиган маҳсулот. Шундай экан, бозорда сотилаётган тухумларнинг сифати учун кафолат борми? Йўқ, албатта. Бозорга келтирилиб сотилаётган гўштлар сифатини ҳар ҳолда текшириб, муҳр босиб сотувга яроқли эканлигини тасдиқлаб, турадилар. Лекин: нима учун тухумлар текширилиб, назорат қилинмайди. Оқибатда яроқсиз, палағда бўлиб қолган ёки бўлмаса бузилиш арафасида бўлган тухумни олиб, истеъмол қилиб, касаллик орттираётганлар йўқмикан? Бу ҳам бизнингча ғоят долзарб ва ечимини кутаётган муаммодир.

Кўраяпсизми, бир муаммо иккинчисини келтириб чиқаряпти. Лекин, шундай экан, деб тармоқни ортиқ бу аҳволда ташлаб қўйиб бўлмайди-ку! Айтишади-ку, инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг давоси бор. Наҳотки паррандачилик муаммоси бедаво, ҳал қилиб бўлмайдиган дардга айланиб қолди? Бизда имкониятлар ҳаминқадар-ку. Энг муҳими тармоқни тиклаш, оёққа турғазиш учун асос етарли. Ҳозир чала-ярим ишлаётган, катта маблағлар эвазига қурилган паррандачилик мажмуалари бор. Катта ва улкан ишлар амалга оширилаётган бизнинг мамлакатимизда, наҳотки бу қувватларни тўла ишга туширишга чораси йўқ. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан қўйилаётган талаблар шуни тақозо этмайдими? Муаммони ҳал қилса бўладими?

Биз бу ҳақда «Ўзпаррандасаноат» ишлаб чиқариш бошқармаси, вилоят деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси мутасаддилари, мутахассислари билан суҳбатлашдик, улар билан фикр алмашдик.

— Бўлади, — деб айтишди улар, — бунинг учун эса қуйидаги вазифаларни амалга оширишкерак!

Деҳқон-фермер хўжаликлари шартнома асосида паррандачилик фабрикаларига беда уни, макка дони, буғдой етказиб беришларини қатъий қилиб қўйиш ва бу ишни назоратга олиш шарт. Бир вақтлари Қибрай туманида собиқ «Химик» (ҳозир Жомий номли деб аталади) ёрдамчи хўжалиги бўларди. У вилоятдаги барча паррандачилик хўжаликларига беда уни етказиб берарди. Ҳозир у ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган. Дон экиляпти у ерларда. Дон ҳам керак. Лекин, паррандачиликни ҳам ўйлаш керак-ку!

Бир вақтлари ҳар бир паррандачилик фабрикасига катта-катта майдонлар ажратиб бериларди. Бу майдонларда беда ўстириларди, АВМ агрегатлари ишга солиниб, беда уни тайёрланарди. Маккажўхорига бўлган эҳтиёжларини ўзлари бир қадар қондирар эдилар. Ҳозир бундай ерлар камайиб кетди. Нега энди ўша эски удумни тиклаш мумкин эмас? Ахир қанчадан-қанча АВМ агрегатлари ҳам ишлатилмай, яроқсиз ҳолга келиб қолган-ку!

Иккинчидан. Жумҳурият миқёсида паррандалар учун саноат асосида ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона, албатта, ташкил этилиши керак ва бу корхона тасарруфига ем ишлаб чиқарадиган барча паррандачилик фабрикалари киритилиши лозим. Мустақил корхона учун шундай шароит, шундай имконият яратиб бериш зарурки, улар парранда еми ишлаб чиқариш учун керак бўладиган моддаларни қаердан бўлмасин, олиб келиш имкониятига эга бўлсинлар. Балиқ мойини четдан валютага бўлса ҳам сотиб олинишини таъминлаш муҳим. Дори-дармон маҳсулотлари ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш лозим. Ем ишлаб чиқарадиган, мустақил фаолият кўрсатадиган корхона ташкил этилгач, энг биринчи навбатда жўжалар учун махсус ем ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилиши керак. Чунки, ҳозирги пайтда бундай ем бизда умуман тайёрланмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, янги туғилган чақалоқни мошкичири билан боқиб бўладими?! Ҳозирги кунда жўжаларни боқишда худди ана шунга ўхшаш ҳолат рўй беряпти. Шунинг учун ҳам нобудгарчилик кўп. Жўжалар учун ем ишлаб чиқариш масаласи ҳал этилгач, бошқа кўпгина муаммолар ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлади.

Учинчидан. Зот масаласи билан ҳам жиддий ва астойдил шуғулланиш керак. Чунки, бизда паррандачиликнаслчилик заводи йўқ. Шундай экан, четдан наслдор паррандаларнинг авлод-аждоди гуруҳини олиб келиб, уларни чатиштириб ва шу йўл билан зотдор паррандаларга эга бўлиш ва маҳсулот мўл-кўллигини таъминлаш мумкин бўлади.

Бизга эътироз билдиришлари мумкин. Бу талаблар, мулоҳазалар ўринли, ўта муҳим, албатта, ҳал этилиши керак. Лекин, бунинг учун озмунча маблағ талаб этилмайди-ку, уни қаердан олиш керак? Ҳамма гап ана шу маблағни топа билишда-да! Мамлакатимизда бошқа ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар тўлиб-тошиб ётган бир шароитда бунчалик катта маблағни қаердан топса бўлади?

Модомики, биз учун эл-юрт тан-сиҳатлиги муҳим экан, давлат қайғуси билан яшаётган, ёш авлоднинг соғлом, баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун ҳаракат қилаётган эканмиз, маблағ албатта, топилиши керак, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда паррандачилик муаммоси бедаво дард бўлиб қолаверади. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди!

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Халқаро ҳаёт

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ СОҲИЛИДАГИ ЮРТ

Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги мустақилликка эришганига 51 йил тўлди. Иордания халқи бу кунни ҳар йили ўзгача тантана билан байрам қилади. Ушбу байрам арафасида Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Валид Мажид Ас-Саъд ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги Ғарбий Осиёда жойлашган бўлиб, унинг сарҳадлари Сурия, Ироқ, Саудия Арабистони ва Исроил билан туташган. Жануби-Ғарбий қисмини эса Қизил денгизнинг Ақаба кўрфази ўраб туради. Мамлакатдаги 4,1 миллионга яқин нуфуснинг 95 фоизини араблар ташкил этади.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг Европа давлатларининг, айниқса, Англиянинг Яқин Шарққа қизиқиши ортиб борди. 1920 йили Иордания Британия мандатида бўлган Фаластинга қўшиб олинди. 1921 йили Иордан дарёсининг шарқий қисмида Ҳошимийлар сулоласидан Амир Абдуллоҳ раҳбарлигида Трансиордания амирлиги ташкил топди. Унинг ташқи сиёсати, қуролли кучлари ва иқтисодиётини Англия 1946 йилга қадар назорат қилиб турди. 1946 йил 25 май куни Трансиордания батамом мустақил бўлгач, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги деб эълон қилинди.

Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги иқтисодиёти ҳақида гапирадиган бўлсак, у кўп жабҳали бўлиб, асосан, саноат, деҳқончилик ва чорвачиликка таянади. У, айниқса, чорвачилик жиҳатидан ривожланган мамлакатлар сирасига киради. Шуни қайд этиш керакки, ер ости бойликлари ҳам Иорданиянинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Мисол учун, 1993 йилда бутун дунёда қазиб олинган тоғ жинслари, хусусан, минерал бойликларнинг 15 фоизи Иордания давлат корпорациясига тегишлидир.

Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, дини бир, маданияти бир-бирига яқин халқларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди, деб ишонч билан айтишим мумкин.

1993 йил 14 февраль куни Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги валиаҳди Руод ибн Зайд бошчилигидаги ҳукумат делегацияси мамлакатингизга ташриф буюрди. Бу ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Пировардида, 1994 йил 20 июль куни Тошкентда Иорданиянинг дипломатик ваколатхонаси очилди.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қиладиган воқеалар кўп бўлди. Улардан энг йириги ўлароқ 1996 йил август ойида Тошкентда ўтказилган Иордания савдо кўргазмасини кўрсатиш мумкин. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қирқдан зиёд фирма ва компания томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон, электрон жиҳозлар каби 100 дан ортиқ турдаги товар намойиш этилди. 1996 йил ноябрь ойида эса, Иордания подшоҳи Ҳусайн ибн Толол тақлифига биноан, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Иорданияга ташриф буюрди. Унда икки давлат ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Айни пайтда мамлакатингизда ўсимлик мойини ишлаб чиқарувчи «Заллум групп ойл» Ўзбекистон — Иордания қўшма корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу кунларда мазкур қўшма корхонани янада кенгайтириш лойиҳаси устида иш олиб борилаётир.

Алишер ҲАСАНОВ ёзиб олди. (ЎзА).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Эроннинг собиқ маданият вазири Муҳаммад Ҳотамий мамлакатнинг янги президенти бўлди. У кутилмаганда ўзининг асосий рақиби—Эрон парламенти раиси Али Акбар Натек-Нурийдан анча кўп овоз олиб, сайловда ғолиб чиқди.
- Сьерра-Леонеда давлат тўнтариши бўлди. Майор Жолли Пол Корома ўзини давлат бошлиғи деб эълон қилди. Бу давлат жаҳонда энг кўп олмос ишлаб чиқаралиган мамлакатлардан бирилир.
- Туркия Ироқнинг шимолидаги ўз қўшинларини 30 минг кишига етказди. Икки ҳафта ичида улар 1750 нафардан ортиқ курд жангчиларини ҳалок этдилар. Туркия томони ҳар куни ўртача 25 киши миқдорида талофот кўрмоқда.

ЖАМИЯТ ВА ТАРБИЯТ

КОМИЛЛИККА ЕТМОҚ ОСОНМАС

СЕВИМЛИ «Тошкент ҳақиқати» орқали Сиз азиз муштарийлар билан дийдорлашмоқ бахтига муяссар айлагани учун Оллоҳга минг шукрлар бўлсин.

Мен суҳбатимни яқинда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа билан бошламоқчиман. Иссиқ жон экан-да. Бироз касалланиб, шифохонага тушиб қолдим. Мен жойлашган хонага чекка маҳаллалардан бирида яшовчи Эргаш исмли бир йигитни ҳам олиб келишди. Негадир камгап, касалликдан кўра ҳаёт ташвишлари уни кўпроқ енгиб қўйгандек... Мавридини топиб, суҳбатлашдим.

— Эй, амаки, бу ҳаётда кўрган-кечирганларимни гапирсам, бир китоб бўлади, — деди у. — Ота-онанг — давлатинг, деган гап жуда тўғри экан... Мен ёшлигимдаёқ ота-онамдан етим қолдим. Акаларимнинг қўлида кечирган кунларимни, янгаларимнинг менга ўтказган зулмини қайси тилим билан айтсам ишонасиз? Оллоҳ таоло ҳеч бир бандасини ота-онасидан жудо қилмасин экан. Агар улар тирик бўлганида мен бу синоатларни кўрмас эдим. Хуллас, ўз уйимда ортиқчалик қилиб, кўчага ҳайдалдим. Нима қиларимни билмай, ўзим сингари қаровсиз болаларга қўшилдим. Қорнимиз оч, устимиз юпун эди. Кун кўриш учун аввал майда-чуйда ўғирлик қилдик. Кейин йирикроғини... Кейинчалик қўлга тушиб, қамалиб кетдим. Йиллар ўтиб, озодликка чиқиб келсам, амакиларим отамдан қолган уйни сотиб юборишибди. Яна кўчада қолдим. Мен астойдил янгича одам бўлмоқчийдим.

Иложсиз бир одамнинг уйидан жой олиб, унинг хизматини қилиб юрдим. Сўнг трамвай депосига ишга кирдим. Трамвай ҳайдашни ўрганиб олдим. Буни қарангки, отамнинг яқин дўстларидан бири менинг тақдирим ҳақида эшитиб, қўшнимиздан сўроқлатибди. «Отаси раҳматли меҳнаткаш, камтар инсон эди. Аттанг, акалари қарамай, бу болани хор қилибдида. Яхши одамнинг фарзандидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ҳалиям бўлса уни тарбиялаш керак», — дебди Аҳмад ака. Кейин маҳалла кексалари отангнинг бир таниши сени кўз остига олибди, тикувчиликни битирган чевар қизи бор, ана шу бамаъни қизга сени уйлантириб қўйсак, нима дейсан, дейишди. Ахир мен қамалиб чиққан йигит бўлсам, шундай тарбияли оиланинг қизи менга тегармиди?!..

Йўқ, маҳалладаги яхши инсонларнинг ҳаракати билан оилали бўлдим. Ҳозир бир ўғил, бир қизим бор. Ишдан келганимда «адажон» деб қучоғимга отилганларида ҳамма дардимни унутиб юбораман. Негадир худди шундай дамларда ўзимнинг ёшлигимни, ота-онамни эслайман. Қани энди улар тирик бўлсалар-у, мен ҳам уларнинг бағрларига ўзимни отсам, елиб-югуриб хизматларини қилсам... Аммо, мен ўз қилмишларим билан гўрда ётган ота-онамни қийнадим. Улар энди мендан ҳеч қачон рози бўлмасалар керак.

...Мен йигитнинг изтиробли ҳикоясидан ўйга толдим. Дедим-ки:

— Ўғлим, ҳайрият-ки, ҳаммаси яхшилик билан тугабди. Олло-таоло ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир. Гуноҳларингга тавба қилганинг ва савоб ишларга жазм этганинг ўзинг учун ҳам, ота-онанг руҳи учун ҳам яхши аломатдир. Илоҳим, йўлингдан тойма. Яхшилардан адашма, Оллоҳни унутма. Агар қолган умрингни фақат яхшилик билан ўтказсанг, фарзандларингни комил инсонлар қилиб вояга етказсанг, аминманки, отанг ва онангни ризолиги шу бўлади...

Касалхонадан тузалиб чиққач, анча ойлар ўтиб, иттифоқо, кўчада Эргашни учратиб қолдим. Ота-болалардай кўришдик.

— Одамзот ҳамиша яхши инсон бўлишни, бошқаларнинг эътиборига тушишни истайди. Лекин, ёмонликнинг кўчасига кириб чиққан одамнинг бирданига яхши бўлиб қолиши барибир қийин экан, — кулди у. — Шундай пайтлар бўлади-ки, нимагадир эски дард хуруж қилиб, бутун вужудимга шайтоний ҳислар чирмовуқдек ёпишиб олади. Бир куни десангиз, автобусда келаётиб, ёнгинамда ўтириб кетаётган аёлнинг сумкаси очиқ турганига кўзим тушиб қолди. Қаппайган ҳамёнчаси, қимматбаҳо буюмлари кўзимни олди-қўйди. Шундоқ қўлимни чўзсам, кифоя... Бир неча сониянинг ичида миям икки ўт орасида алғовдалғов бўлиб кетди. Эски ҳунарини қўмсаганбармоқларимтитраётганини, йўқ, қўрқувдан эмас, анави ўлжа олдида титраётганини кўрганингизда эди... Шу лаҳзада негадир сизни эсладим, амаки. «Энди йўлингдан тойма, ота-онангни ризолиги шу бўлади...» деган сўзларингиз миямда чарх урди. Кўзларимни чирт юмиб, навбатдаги бекатда тушиб қолдим. Тушдим-у, «Қани, олмайсанми, ахир бу ердаги ўлжа қанчага етишини биласанми» дея мени васвасага солган қўлларимни дарахтга урдим. Бу аҳволимни кўрганлар «жинни бўлса керак» деб кулишди. Кулаверишсин, мен барибир қўнглимдаги хуружга қарши боролганимдан хурсандман. Хўш, энди ўзингиз айтинг-чи, мен яхши одам бўла оламанми, амаки?..

Ҳа, инсон қалби жумбоқ. У ўз-ўзини англаб етгунга қадар не-не чиғириқлардан, не-не имтиҳонлардан ўтмайди, дейсиз?! Эргаш эса ўз ҳаёти учун эмас, ота-онасининг руҳи олдидаги қарздорлик ҳиссини туйгани учун ҳам ўзини тўғри йўлга солишга интилди. Ва у тўғри қилди! Аммо, ҳаётда ота-онаси тирик бўла туриб, дунёга келтирган меҳрибонларини хор қилган, қаровсиз қолдирган бемеҳр фарзандлар-чи? Мен бундай оилаларнинг бир нечасини биламан. Ота-онани хўрлаш оғир гуноҳ эканлигини англаб етиш учун, бу гуноҳларга тавба қилиш учун ота-онанинг дунёдан кўз юмиши шарт эмас, фарзандларим! Уларни, аввало, тириклигида эъзозланг! Қолаверса, «Ота рози—худо рози» деган гап бежиз айтилмаган. Нимаики яхшилигингиз бўлса, меҳрибончиликларингизни тириклигида қилинг, дуосини олинг. Гарчи бу гапларни кўп эшитган бўлсангизда, уларни юрагимдан ўтказиб, сизларга яна бир бор эслатишни жоиз деб билдим. Зеро, Эргаш каби кўзи кеч очилган ўғил-қизлар икки ўт орасида ёнмасинлар. Ишончим комилки, унинг тақдирини бундай ўзанга солиб юборган акалари ва янгалари қилмишлари учун эл раҳматига эмас, нафратига дучор бўлурлар.

Биродарлар, барчангизга инсоф-адолат, меҳр-шафқат, соғлик-омонлик тилаб қоламан. Кун сайин ўзгариб, юксалиб бораётган юртимизнинг кишилари ҳар жиҳатдан баркамол, эътиқодли, гўзал хулқли бўлишини биз кексалар жуда-жуда истаймиз. Бунинг учун эса сиз ёшларнинг ёнингизда туришга доимо шаймиз.

Абдулла Ҳожи МУТАЛИБ ўғли.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

Жаҳон биринчилиги учун

ЭНДИГИ НАВБАТ ЖАКАРТАГА

ЎЗБЕКИСТОН — КАМБОДЖА — 6:0

Жаҳон биринчилигининг саралаш учрашуви. Тошкент. 25 май. Марказий «Пахтакор» ўйингоҳи. 50 минг томошабин.

Камбоджа: ***Нхем Бунтон, Сок Мони, Со Серевут, Прос Хим, Чоун Малин, Прак Сованара, Хем Самчай, Сип Сованнарит (Ноу Печкири 51), Тон Вути, Чан Арунрит, Хок Сочетра.***

Ўзбекистон: ***Бугало, Давлетов, Федоров, Шоймардонов, Қамбаралиев, Ҳасанов, Ширшов (Ирисметов 46), Бозоров, Лебедев, Усмонхўжаев (Назаров 60), Маъруфалиев (Қурбонов 46).***

Учрашув ҳакамлари: В. Колпаков, Ю. Еременко, Б. Қўчқоров (Қирғизистон), Назоратчи ҳакам: Т. Сегизбоев (Қозоғистон).

Тўпларни Н. Ширшов (7), Н. Ҳасанов (17, 11 метрдан), С. Лебедев (38), А. Федоров (44), Ж. Ирисметов (54), С. Лебедев (73) киритдилар.

Меҳмонларимиз — Камбоджа футболчилари Яман ва Индонезия жамоаларидан йирик ҳисобда мағлубиятга учраганларидан сўнг ўзбекистонлик футбол муҳлислари Тошкентда бўладиган учрашувда ҳам йирик ҳисоб қайд этилса керак деган ўйда эдилар. Бу фикр тасдиқланди. Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари 6:0 ҳисобида ғолиб келдилар. Бироқ футболчиларимиз яна камида 4—6 та тўп киритиб, гуруҳда энг йирик ҳисобда ғалаба қозонишлари мумкин эди. Биргина Равшан Бозоровнинг ўзи уч бор имкониятдан фойдалана олмади. Учрашувдан сўнг Камбоджа терма жамоаси бош мураббийси, германиялик мутахассис Иохин Фиккерт ўйин ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, жамоада ўн ойдан бери ишлаётганлигини, ҳали унинг шогирдлари халқаро учрашувларда тажрибага эга эмаслигини айтиб, гуруҳда Ўзбекистон футболчилари ягона йўлланмага жиддий даъвогарлик қила оладилар, деди. Яман ва Индонезия жамоаларига сизнинг футболчиларингизга қарагандa йирикроқ ҳисобда ютқазгандик. Лекин Ўзбекистон футболчиларининг ўйини менга ёқди. Унинг имкониятлари кенгроқ деб ўйлайман.

Жамоамиз бош мураббийси Рустам Мирсодиқов шогирдлари ўйинидан мамнун эканлигини, бирон-бир футболчини ажратиб таъкидлашни истамаслигини айтиб, сафарда Индонезия билан бўладиган учрашувга бошқача ёндошиш ниятидалигини яширмади. У Индонезия — Ўзбекистон жамоаларининг Жакартадаги учрашуви ҳамма нарсани ҳал қилмаса-да, лекин кейинги ўйинларга жуда катта руҳий таъсир этишини таъкидлади.

Энди ўйин ҳақида айрим мулоҳазалар. Биз Ўзбекистон футболчиларининг Яманда бўлган учрашуви ҳақида «Ютқдан хурсандмиз, ўйиндан-чи?» сарлавҳали шарҳимизда футболчиларимиз бурчак ва жарима тўпларидан фойдалана олмаётганликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этгандик. Бу сафар ана шу камчиликлар маълум даражада бартараф этилгандек туюлди. 7-дақиқадаёқ Н. Ширшов 16-17 метрлар чамасидан белгиланган жарима тўпини моҳирлик билан дарвоза бурчагига йўналтира олди. Сўнгра унинг бурчакдан узатиб берган тўплари ҳам рақиблар ҳимоячиларини таҳликага солди. Сергей Лебедевнинг иккала тўпи ҳам муҳлисларга манзур бўлди. «Дўстлик» клуби аъзоси Жаъфар Ирисметов терма жамоа сафидаги илк қадамини муваффақиятли бошлади. У учрашувнинг иккинчи бўлими 9-дақиқасида меҳмонлар дарвозасига киритилган бешинчи тўп муаллифи бўлди.

«Нефтчи» жамоаси ярим ҳимоячиси Сергей Лебедев Осиё қитъа терма командаси сафига киритилганлиги ва у 3 июлда Гонконгда жаҳон терма командаси билан бўладиган ўйинда иштирок этиши қувонарли ҳолдир.

Бугунгача Осиё бешинчи гуруҳида аҳвол қуйидагича бўлиб турипти:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
Яман	4	2	1	1	8-1	7
Ўзбекистон	2	2	0	0	7-0	6
Индонезия	3	1	2	0	9-1	5
Камбоджа	5	0	1	4	1-23	1

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Зангиота туманида шарқона услубда қурилаётган янги ошхона, савдо расталари ҳамда маданий-маиший бинолар, даҳалар, маҳаллалар ҳуснини очмоқда. Туманнинг «Енгоқ» қишлоғида юз ўринли «Алимбува ошхонаси» харидорларга хизмат қила бошлади. ***СУРАТЛАРДА: ошпаз Анвар Аҳмедов; ошхонанинг умумий кўриниши.***

Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.

АЛЛА СЕҲРИ

ҚИБРАЙДАГИ Ойбек номли 2-ўрта мактабда «Ватан—она алласидан бошланади» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Унга пиру-бадавлат онахонлар, турли касб эгалари, юқори синф ўқувчилари таклиф этилдилар.

Ўқитувчи Шоира Умарова, ёзувчи — Усмон Носир мукофоти совриндори Тўлқин Эшбек, туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихон Шералиевалар сўзга чиқишиб, алланинг сеҳри, унинг бола тарбиясидаги аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Сайдали МИРЗААЛИЕВ.

Дзю-до

ЗЎРЛАР РЎБАРЎ КЕЛСА

АТЛАНТА Олимпиадасида Ўзбекистон дзюдочилари жамоаси сафида Дмитрий Соловьев, Камол Муродов ва Армен Багдасаровлар қатнашишганди. Бу уч ботирлар ичида Армен ҳаммадан яхши натижа — Олимпиаданинг кумуш медалига сазовор бўлганди.

КУНИ кеча Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида ана шу уч номдор дзюдочининг ўзаро рўбарў келиши, яъни бир хил 95 килограммгача вазнда чемпионлик учун даъвогарлик қилиши мутахассису муҳлисларни ҳаяжонга солди. Армен Багдасаров бир поғона юқори, оғир вазнда қатнашаётганлиги туфайли дастлабки қадамлари қийин кечаяпти. У ярим финалда Камол Муродовга ютқазди. Чемпионлик учун финалда устоз билан шогирд Дмитрий Соловьев билан Камол Муродовлар рўбарў келди. Шогирд одоб сақладими, ёки «шогирд устозидан ўтибди» деган «гап сўз»га қолгиси келмадими, ҳарҳолда устозига ғалабани инъом этди. Шундай қилиб, 95 килограммгача вазнлилар баҳсида Дмитрий Соловьев республика чемпиони бўлди. 86 килограммгача вазнлилар баҳсида Алексей Серебряковнинг чемпионлик шохсупасига кўтарилишини кўпчилик дзюдомизда яна бир юлдуз балқиб чиқди, деб баҳоламоқда.

Қолган вазнларда қуйидагилар Ўзбекистон чемпиони унвонига муяссар бўлдилар: Журъат Пармонов (60 килограмм, Тошкент шаҳри), Темир Муҳаммадхонов (65 килограмм, Тошкент), Андрей Штурбабин — (71 килограмм, Тошкент вилояти), Владимир Шмаков (78 килограмм, Тошкент), Рустам Юсупов (95 килограммдан юқори, Хоразм вилоятидан), Максим Халтурин (мутлақ оғир вазн, Самарқанд вилояти).

Шарофиддин УМИРОВ.

ЭШКАКЧИЛАР САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД шаҳридаги сузиш ҳавзасида эшкак эшиш бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Олтин соврин учун Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Қирғизистон Республикаси вакиллари кураш олиб бордилар.

Вилоятимиз спортчилари барча беллашувларда муваффақиятли қатнашдилар. Қайиқни якка бошқаришда Денис Митрофанов, жуфтликда Севара Ғаниева ва Наталья Богатова, тўртликда опа-сингил Севара ва Зарина Ғаниевалар, Наталья Вершинина, Наталья Богатовалар олтин медал соҳиби бўлишди.

Эшкак эшувчиларимизнинг ғалабасида республикамиз терма ва вилоятимиз жамоалари бош мураббийси, спорт устаси Шуҳрат Ғаниев ҳамда барча мутасаддиларнинг муносиб улуши бор.

Энди вилоятимиз вакиллари бир қанча халқаро мусобақаларда ўз кучларини синаб кўрадилар.

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.

ҒИРРОМ ЎЙИННИНГ ОХИРИ ВОЙ

— Куф-суф!.. — юзталикларни буклаб, чўнтакка ураётган йигит бақира кетди, — Кеп қолинг, ёғғи «додаси»дан об қолинг, арзон бўп кетди, олсангиз дармондасиз, олмасангиз армондасиз...

Фельетон

Парištалар «омин» дедилар, шу топда «харидорлар» келиб қолишди. Лекин, улар аксига олиб, солиқ идораси ходимлари экан... — Бочкадаги ёғни қайси ҳужжат билан сотаяпсиз? — деган саволдан сўнг, йигитча ҳужжат келтириш маъносида «Ҳозир», — дедию, одамлар ичида югирганча ғойиб бўлди. Ҳеч қандай далил-қоғозларсиз Ангрен шаҳар бозорида савдога олиб чиқилган 170 кг пахта ёғи ҳужжатлаштирилиб, 80-сонли дўконга топширилди...

Шу куни биргина бу йигитнинг бозори «касод» бўлгани йўқ. Акциз маркаларисиз сигареталар билан олди-сотдини қизитиб юборган М. Ҳошимов, М. Зиявуддинова, А. Файзуллаев, М. Юнусова кабилар ҳам тузоққа илиндилар.

Нега бундай бўляпти? Қонуний йўллар билан савдосотиқ қилишга, тадбиркорлик билан шуғулланишга катта имкониятлар яратиб қўйилган, боз устига қулай имтиёзлар берилаётган бир пайтда нимага одамлар яна қинғир йўлни танламоқдалар? Қоидабузарлик қилмасданоқ, минглаб одамлар ҳалол пул топмоқдаларку.

Бу саволларнинг жавоби битта. Хом сут эмган бандаси фақат бурнининг тагини ўйлаб иш қилар экан... «Нима бўларди?», «Ўзгалардан кам ерим борми?», «Билиб ўтирибдими?» қабилида калта фикр юритганлар алалоқибат ўзларига зарар қилмоқдалар, оилаларини ташвишга қўймоқдалар. Омадлари юришмай, юзлари шувит бўлиб қолмоқда.

Бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қароридан бехабар дейсизми? Мазкур ҳужжат мазмуни оммавий ахборот воситалари ва бошқа йўллар билан ҳамманинг эътиборига тўлиқ етказилган эди. Бу борада солиқ идоралари ходимлари ҳам кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бордилар. Йўқ, айрим кимсалар ҳамон амалдаги қонун-қоидаларни назар-писанд қилмаётирлар, ўрнатилган тартибларни четлаб ўтмоқчи бўлмоқдалар. Бунинг боиси маълум: давлатни алдаш.

Тижорат — муқаддас нарса. Савдо-сотиққа дахлдор инсон ҳалол ва ҳолис бўлмоғи даркор. Лекин, айримлар шайтонга хай бериб, панд емоқдалар. Қаранг, Ўртачирчиқ туманида ўтказилган текширувлар натижасида 492 шиша, Янгийўл шаҳрида 376 шиша спиртли ичимликлар мусодара қилинди.

Ангрен шаҳар бозорида ўтказилган яқиндаги бир кунлик текширув натижасида эса жами 23 ҳолатда қонунбузарликлар аниқланди. 41 шиша спиртли ичимликлар, 114 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди ва қонуний тарзда ҳужжатлар расмийлаштирилди. Бундай ҳунук ишлар Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Бўстонлиқ, Тошкент, Бўка, Оққўрғон туманлари бозорларида ҳам учраб турибди. Бир ой давомида жами вилоят бўйича 1155 шиша спиртли ичимликлар ва 3985 қути тамаки маҳсулотлари акциз маркаларисиз савдога чиқарилганлиги учун қонуний чоралар кўрилди. Қиссадан ҳисса деганларидек, нима демоқчимиз? Эс-хушни йиғадиган, фаросатни ишлатадиган фурсат етди. Бу ҳақиқатни англамаган одам ўзидан кўрсин. Уларнинг бир кун эмас бир кун нохуш ҳолатга тушишлари турган гап. Зеро ғирромлик оқил одамнинг иши эмас. Ғирром ўйиннинг охири вой, дейдилар...

Тошкент вилояти ДСБ матбуот хизмати.

МАСКАНЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Дам олиш мавсумини намунали ташкил этиш ва ўтказишга жойларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Куни кеча Тошкент вилояти болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бошлиқлари ҳамда катта етакчилари иштирокида бўлиб ўтган семинар-кенгаш шу масалага бағишланди.

Ғарбий Тянь-Шань этагида жойлашган «Семурғ» соғломлаштириш лагерида уюштирилган бу анжуманда вилоят шаҳар ва туманлари мактаб ўқувчиларининг ёзги таътиллари чоғида амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, вилоятимизда болаларнинг ёзги соғломлаштириш жараёнларига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Чорвоқ денгизи, Белдирсой, Чимён, Оқтошдаги бахаво ва сўлим гўшаларда 80 дан ортиқ соғломлаштириш оромгоҳлари болалар спорт ва саёҳатчилик масканлари жойлашган. Ана шу жойларда бу йил 200 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлайди.

Эрта-индин болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга кўрган тайёргарлигига якун чиқарилади. Ғолибларни 30, 20 ва 10 минг сўмлик мукофотлар кутмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Об-ҳаво

ЖАВЗО — ЭГИЗАК ДЕМАҚДИР...

Яъни бу ойда барча нарсалар иккиталаб кўпаяди. Жумладан, бу ойда ёмғир ёғса, турли хил ҳашаротларга «кун туғади». Шу сабабли Яратгандан сўрардикки, жавзода ёмғир ёғмасин. Ҳозирча об-ҳавошуносларнинг берган хабарларига кўра, 1 июнгача ёғингарчилик кутилмайди. Фақатгина баъзи тоғлик туманларда қисқа муддатли ёмғир ва момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 16-21 даража, кундузи 31-36 даража бўлади.

Чиноз туманидаги Зебунисо номли 45-ўрта мактаб томонидан 1991-1992 ўқув йилида Абдураҳимов Икром Ахатовичга берилган А 027116 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги Ойбек номли 2-ўрта мактаб томонидан 1987 йилда Абдувалиев Ахрорбек Маҳкамович номига берилган ДИ 414438 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 123-ўрта мактаб томонидан Дилшод Мирюнусович Шоюнусовга 1987 йилда берилган Д №471224 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги етуклик шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДУНЁ ВАҚЕАЛАРИ

ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС

НЬЮ-ЙОРК. «Си-Эн-Эн» телекомпаниясининг машҳур шарҳловчиси Лэрри Кинг еттинчи бор уйланишга жазм қилди.

63 ёшни уриб қўйган куёвнинг навбатдаги қайлиғи 37 ёшли Шон Сайфик исмли аёл бўлиб, у айни вақтда мусиқа билан шуғулланади. Шунингдек, хушқомат миссис Сайфик телерекламаларда ҳам қатнашиб туради. Лэрри Кинг у билан бир ёстиққа бош қўйганларнинг учинчиси бўлади.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

ГАВАНА. Австралиялик 22 ёшли Сьюзи Марони Куба билан АҚШни ажратиб турадиган Флорида бўғозидан сузиб ўтишга муваффақ бўлди. 144 километрлик масофанинг адоғига етиш учун унга бир кеча-кундуздан зиёдроқ вақт керак бўлди.

18 йилдан буён сузиш билан шуғулланиб келаётган Сьюзининг бўғозни «махв этиш» йўлидаги ўтган йилги ҳаракатлари муваффақиятсиз якунланган эди. Энди эса ниҳоят мақсадга эришилди. Айтиш керакки, бу муваффақият Сьюзининг биринчи «мўъжизаси» эмас, у 93 километр масофани 24 соатда сузиб ўтиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой ҳам олган. У Ла-Манш бўғозини барчадан тез сузиб ўтган абжир сузувчидир.

ТАДБИРКОРНИНГ СИНОВИ ОҒИР

РИМ. Италия жанубида жойлашган Бари шаҳри марказидаги энг гавжум меҳмонхоналардан бирининг ҳовлисида ёш тадбиркорлар ва менежерлар учун ғаройиб тайёргарлик машқи ўтказилди.

Ҳовли саҳнига ҳали чўғи ўчмаган кўмир ётқизилди. Махсус буйрукдан сўнг бўлғуси тадбиркорлар — ўқув машқи иштирокчилари бу «чўғ гилам»дан оёқяланг югуриб ўтишди. Маълум бўлишича, бу «имтиҳон» тадбиркор бўлишни хоҳлаган италиялик ёшларнинг иродаси ва ички қудратини синаш учун қўйилган экан. Италиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркор учун ирода ва ички қудрат ҳамиша муҳимдир. *(ЎзА).*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6